



THE IMPORTANCE OF CONSTRUCTION IN THE IRRIGATION SYSTEM FOR THE DEVELOPMENT OF AGRICULTURE IN UZBEKISTAN (ON THE EXAMPLE OF SAMARKAND REGION)

Rukhsora Usmonova

Lecturer, Department of Uzbek Language and Humanities
Kattakurgan State Pedagogical Institute
Kattakurgan, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: agriculture, irrigation system of the Samarkand region, efficient use of water resources, canal concreting, reconstruction works.

Received: 25.03.26

Accepted: 26.03.26

Published: 27.03.26

Abstract: This article analyzes the importance of construction within the irrigation system for the development of agriculture in Uzbekistan in the second half of the 20th century, using the example of the Samarkand region. Based on archival documents and scientific sources, the study examines the impact of canal concreting within the irrigation system—aimed at stabilizing water supply to cotton fields—on the socio-economic development of the region.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РИВОЖИДА ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМИДАГИ ҚУРИЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ (САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Рухсора Усмонова

Каттақўрғон давлат педагогика институти
Ўзбек тили ва гуманитар фанлар кафедраси ўқитувчиси
Каттақўрғон, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, Самарқанд вилоятида ирригация тизими, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, каналларни бетонлаштириш, реконструкция ишлари.

Аннотация: Мазкур мақолада XX асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ривожланишида ирригация тизимидаги қурилишнинг аҳамияти Самарқанд вилоятида мисолида таҳлил қилинган. Тадқиқотда пахта далаларига сув етказиб беришни барқарорлаштиришга хизмат қилувчи ирригация тизимидаги каналларни бетонлаштириш масаласи вилоятнинг

ижтимоий-иқтисодий тараққиётига
кўрсатган таъсири архив ҳужжатлари ва
илмий манбаларга таянилган ҳолда
ўрганилган.

ЗНАЧЕНИЕ СТРОИТЕЛЬСТВА ИРРИГАЦИОННЫХ СИСТЕМ В РАЗВИТИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ (НА ПРИМЕРЕ САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ)

Рухсора Усмонова

*Преподаватель кафедры узбекского языка и гуманитарных наук
Каттакурганский государственный педагогический институт
Каттакурган, Узбекистан*

О СТАТЬЕ

<p>Ключевые слова: сельское хозяйство, ирригационная система Самаркандской области, эффективное использование водных ресурсов, бетонирование каналов, работы по реконструкции.</p>	<p>Аннотация: В данной статье проанализировано значение строительства в системе ирригации для развития сельского хозяйства Узбекистана во второй половине XX века на примере Самаркандской области. В исследовании на основе архивных документов и научных источников изучено влияние бетонирования каналов ирригационной системы, служащих для стабилизации водоснабжения хлопковых полей, на социально-экономическое развитие области.</p>
---	---

Кириш. XX асрнинг 70-йилларида икки кутбли урушда курулганиш пойгасини авж олдирган Совет Иттифоқиға ниҳоят даражада кўп миқдорда маблағ зарур бўлган. Шу жиҳатдан республикада пахтачилик стратегик тармоқ ҳисобланиб, унинг сув таъминотиға устувор аҳамият берилган. Ўзбекистон ССРда сув хўжалиғи қурилишининг истиқболлари 1961 йил 31 октябрдағи КПССнинг XXII съезди директиваларида белгилаб берилган. Унга кўра, 1980 йилға келиб СССРда доннинг ялпи ҳосили 18–19 миллиард пудни ташкил қилиши керак, шундан 5–6 миллиард пуди суғориладиган ерлар ҳиссасиға тўғри келади. Пахта хомашёсининг ялпи ҳосили 10–11 миллион тоннаға етказилиши режалаштирилган. Бунинг учун кўшимча равишда 6–6,5 миллион гектар ерни суғориш ва ўзлаштириш талаб этилган[1]. Шу ўринда Ўзбекистонда пахта монокультурасини яратиш катта фойда олаётган Коммунистик партия республикада ирригация каналларини бетонлаштириш дастурини яратишға катта эътибор берди. Бу дастурларнинг асосий мақсади сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиғини ошириш орқали қишлоқ хўжалиғи ишлаб чиқаришини барқарор таъминлашдан иборат бўлган. Тадқиқот давомидағи ўрганилган қурилиш ҳажмлари ва молиявий сарфлар таҳлили шуни кўрсатадики, бетонлаштириш

ишлари, аввало, суғориш тизимидаги сув йўқотишларини камайтиришга қаратилган техник чора сифатида қаралган. Ер каналларида сувнинг грунт орқали сингиб кетиши ва оқим жараёнида йўқолиши катта ҳажмда бўлган шароитда, каналларни бетонлаштириш сувни мақсадли йўналтириш имконини берган ҳамда бир хил сув миқдори билан кўпроқ майдонни суғоришга шароит яратган.

Адабиётлар таҳлили ва методология: Бир қатор мутахассислар, хусусан, Э.Акрамов, О.Комилов, А.Абдуллаевлар томонидан Самарқанд вилояти ирригация тизимидаги қурилишларга оид айрим тадқиқотлар амалга оширилгани[2]га қарамай, вилоятда амалга оширилган қурилиш бўйича махсус тадқиқот ҳали амалга оширилмаган. Ушбу мақолада Самарқанд вилоятида суғориш иншоотларини қурилишининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари таҳлил қилинган. Мазкур мавзунини тадқиқ этишда тарихийлик, қиёсий таққослаш, хронологик кетма-кетлик ва тарихий изчиллик тамойилларидан фойдаланиб, ёритиб беришга ҳаракат қилинди.

Муҳокама. Суғориш самарадорлигини ошириш вазифаси бетонлаштириш ишларининг яна бир муҳим жиҳати ҳисобланган. Каналларнинг бетон қоплама билан мустаҳкамланиши сув оқимининг тезлиги ва барқарорлигини таъминлаб, сув тақсимотидаги узилишлар ва йўқотишларни қисқартирган. Бу, айниқса, сув танқис бўлган мавсумларда, юқори ва қуйи жойлашган ер майдонлари ўртасида сув тақсимотини нисбатан тенглаштиришга хизмат қилган. Шу тариқа, ирригация тармоқларининг техник ҳолатини яхшилаш орқали деҳқончиликда режали суғоришга ўтиш имконияти яратилган.

Натижалар. Айни шу даврда республиканинг йирик пахтачилик вилоятлари ичида айниқса, Самарқанд вилоятида суғориш тармоқларини қуришга катта эътибор қаратилган. Бетонлаштириш ишлари қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари, айниқса пахтачилик манфаатлари билан бевосита боғлиқ бўлган. Самарқанд вилоятидаги Пайариқ, Булунғур ва Самарқанд туманларида пахта экиладиган суғорма ерлар майдони катта бўлгани учун шу туманларда бетонлаштириш ишларига катта ҳажмда маблағ ажратилган[3]. Каналларни бетонлаштириш орқали пахта далаларига сув етказиб бериш барқарорлаштирилган, ҳосилдорликни ошириш ва давлат режаларини бажаришга қаратилган аграр сиёсат амалий жиҳатдан таъминланган.

Шу билан бирга, бетонлаштириш тадбирлари сувдан фойдаланишни тежамкорлаштириш билан бир қаторда, меҳнат ва эксплуатация харажатларини қисқартиришга ҳам хизмат қилган. Ер каналларини доимий тозалаш, қирқиш ва таъмирлашга кетадиган меҳнат сарфлари бетонлаштирилган каналларда нисбатан

камайган. Бу эса ирригация тизимларини бошқаришни соддалаштириб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнида узлуксиз сув таъминотини таъминлаш имконини берган.

Шундай қилиб, XX асрнинг иккинчи ярмида Самарқанд вилоятида амалга оширилган каналларни бетонлаштириш сиёсати фақат техник қурилиш тадбири эмас, балки сув ресурсларини тежаш, суғориш самарадорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалиги, айниқса пахтачилик эҳтиёжларини қондиришга қаратилган комплекс иқтисодий-аграр стратегиянинг таркибий қисми сифатида амалга оширилганини кўрсатади.

Самарқанд вилоятида қурилиш жараёни 1971 йилда асосан энг катта суғориш юкмасига эга бўлган туманларда бошланган. Булунғур туманида каналларни бетонлаштириш ишлари кенг кўламда режалаштирилгани жадвал рақамларида яққол акс этади. Янги Беш, Мирза, Эски Туятортар ҳамда Янги канал каби асосий сув артерияларининг беш йиллик режага киритилиши мазкур ҳудудда сув йўқотишларини камайтириш ва суғорма ерлар барқарорлигини таъминлаш масаласи долзарблигини кўрсатди[4]. 1971 йилдаёқ туманда бетонлаштириш ишларининг салмоқли қисми бажарилиши режалаштирилган бўлиб, кейинги йилларда ушбу жараён узлуксиз давом эттирилиши назарда тутилган. Бу ҳолат Булунғур туманининг вилоят миқёсидаги муҳим аграр ҳудуд сифатида қаралганидан далолат берган.

Пайариқ туманидаги Пай канали ва Қора-Ариқ канали деярли тўлиқ бетонлаштириш дастурига киритилган бўлиб, беш йиллик давр мобайнида бу тармоқлар тўлиқ реконструкция қилиниши кўзда тутилган. Қурилиш ҳажмларининг йиллар бўйича барқарор тақсимлангани, айниқса 1972–1973 йилларда юқори суръат билан амалга оширилиши, туманда ирригация тизимини қисқа вақт ичида техник жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган мақсадли сиёсат олиб борилган. Пайариқ туманининг бундай устувор мавқеи унинг пахтачиликка ихтисослашган ҳудуд сифатида республика аграр тизимида муҳим ўрин тутгани билан боғлиқ бўлган.

Самарқанд туманида қурилиш ишлари нисбатан чекланган ҳажмда режалаштирилган бўлса-да, улар стратегик аҳамиятга эга бўлган канал участкаларини қамраб олган. Дарғом канали Гулбин участкаси ҳудудида жойлашган қисми ва Янги канал бўйича бетонлаштириш ишларининг беш йиллик режага киритилиши шаҳар атрофи ҳудудларида сув таъминотини барқарорлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Самарқанд туманида ишлар босқичма-босқич амалга оширилиб, 1971 йилда асосий тайёрлов ишлари ва биринчи навбат қурилиш ишлари бажарилган, кейинги йилларда эса қолган ҳажмлар тугалланган. Бу ҳолат Самарқанд туманида ирригация тармоқлари аввалдан шаклланган бўлиб, реконструкция ишлари асосан энг муаммоли участкаларга

қаратилган[5]. Ургут туманида қурилиш ишлари асосан Янги канал билан чекланиб қолган. Ҳажм жиҳатидан камроқ бўлишига қарамай, мазкур каналнинг беш йиллик даврда тўлиқ бетонлаштирилиши туман учун муҳим гидротехник тадбир ҳисобланган. Бу ҳолат Ургут туманида ирригация тармоқлари нисбатан қисқа бўлгани, аммо айрим каналларнинг эксплуатация аҳамияти юқори бўлгани билан изоҳланади. Самарқанд вилоятида 1971 йили навбатдаги беш йилликнинг биринчи йили сифатида қурилиш ишларини бошлаш ва энг муҳим объектларни қамраб олиш босқичи бўлди. Қурилиш 1972–1973 йилларда ишлар энг юқори суръатга чиқиб, асосий капитал қўйилмалар айнан шу даврда ажратилди. 1974 йилда қурилиш ишлари, асосан, қолган участкаларни бетонлаштириш ва аввал бошланган объектларни яқунлашга қаратилган. 1975 йил эса умумий дастурнинг якуний босқичи сифатида объектларни тўлиқ тугатиш ва эксплуатацияга топшириш билан характерланди[6].

Умуман олганда, 1971–1975 йилларда Самарқанд вилоятида амалга оширилган каналларни бетонлаштириш ишлари совет даври ирригация сиёсатида техник модернизациянинг муҳим элементи бўлиб хизмат қилган. Бу жараён режали, худудий устуворликка асосланган ва қишлоқ хўжалиги, айниқса пахтачилик манфаатларига йўналтирилган ҳолда амалга оширилган. Бироқ узоқ муддатли нуқтаи назардан қаралганда, мазкур қурилиш ишлари аниқ режага асослангандек кўринганига қарамасдан бир қатор муаммо ва камчиликлардан ҳоли бўлмаган. Хусусан, 1971–1975 йилларга мўлжалланган Самарқанд вилояти бўйича капитал қурилиш режаларида ирригация каналларини бетонлаштириш ишлари туманлар кесимида нотенг тақсимланган. Қурилиш ҳажмлари, маблағ сарфи ва бажарилиш суръатлари ҳар бир туманнинг суғорма ерлар майдони, канал тармоқларининг зичлиги ҳамда қишлоқ хўжалигида тутган ўрнига боғлиқ ҳолда белгилаб олинган.

Туманлар кесимида солиштирилганда, Пайариқ ва Булунғур туманлари бетонлаштириш ишлари бўйича энг катта улушга эга бўлган. Пайариқ туманида Пай канали ва Қора-Ариқ канали деярли тўлиқ бетонлаштириш дастурига киритилган бўлиб, беш йиллик даврда ушбу туманда каналларни реконструкция қилиш учун энг катта капитал қўйилмалар йўналтирилган. Смета қийматлари шуни кўрсатадики, Пайариқ туманида бетонлаштиришга ажратилган маблағлар вилоят бўйича умумий харажатларнинг салмоқли қисмини ташкил этган. Бу ҳолат интенсив пахтачилик худуди сифатида қараладиган бошқа туманларга ажратилган маблағларнинг лимитига салбий таъсир кўрсатган[7]. Энг катта маблағ Булунғур туманига ажратилганига қарамасдан бу худуддаги қурилиш ишлари 1974 йилга келиб режалаштирилган ишлар қисман

секинлашиб қолган ва қурилиш ишлари кейинги босқичга ўтказилган. Бу ҳолат молиявий чекловлар, қурилиш материаллари таъминотидаги узилишлар ҳамда ишчи кучининг етишмаслиги билан боғлиқ бўлган. 1975 йил эса, асосан, қолган участкаларни яқунлаш ва объектларни эксплуатацияга топшириш масаласи оғир бўлиб қолган[8].

Булунғур туманида бетонлаштириш ишлари ҳажман Пайариқдан камроқ бўлса-да, объектлар сони ва канал тармоқларининг хилма-хиллиги билан ажралиб турган. Янги Беш, Янги, Мирза Эски Туятортар каналлари бўйича ишлар режалаштирилган бўлиб, бу туманда бетонлаштириш ишлари босқичма-босқич амалга оширилган. 1971–1973 йилларда асосий ҳажм бажарилган, 1974–1975 йилларда эса айрим каналлар бўйича ишлар қисман тугалланган ёки кейинги даврга ўтказилган. Шу сабабли Булунғур туманида режалаштирилган барча объектлар тўлиқ яқунланмаган. Самарқанд туманида бетонлаштириш ишлари ҳажман чекланган бўлиб, асосий эътибор стратегик аҳамиятга эга канал участкаларига қаратилган. Дарғом канали Гулистон участкаси ва Янги канал бўйича смета қийматлари нисбатан кам бўлгани ҳолда, ишлар режага мувофиқ бажарилган. Самарқанд туманида қурилиш ишлари ўз вақтида бажарилганига қарамай умумий маблағ сарфи нуқтаи назаридан бу туман вилоятдаги етакчи ҳудудлар қаторига кирмаган. Шунингдек, вилоятдаги қурилиш ишлари сув йўқотишларини камайтириш билан бир қаторда, табиий гидрологик мувозанатга таъсир кўрсатиб, ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиши, шўрланиш жараёнларининг кучайиши каби экологик муаммоларни ҳам юзага келтирган.

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда XX асрнинг 70-йилларида Самарқанд вилоятида ирригация каналларини бетонлаштириш ишлари туманлар кесимида нотенг амалга оширилган. Энг катта молиявий маблағлар ва қурилиш ҳажмлари Пайариқ ва Булунғур туманларига тўғри келган бўлса, Самарқанд ва Ургут туманларида ишлар чекланган ҳажмда, аммо нисбатан барқарор ва режага яқин ҳолда бажарилган. Мазкур ҳолат совет даври ирригация сиёсатининг ҳудудий устуворликларга асосланганини ва иқтисодий манфаатлар, аввало пахтачилик эҳтиёжлари, қурилиш сиёсатида ҳал қилувчи омил бўлганини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Акрамов Э. А. Перспективы развития ирригации в Узбекистане // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1965 йил 10-сон.-Б.6
2. Акрамов Э. А. Перспективы развития ирригации в Узбекистане // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1965 йил 10-сон.; Komilov O. The history of water management system in Uzbek SSR (1950–1990) // Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and

innovations Issue – 6 № 3 (2025) ; Абдуллаев А. Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлиги ва унинг оқибатлари (1917-1991 йй.). тарих.фан.докт. дисс. ... –Тошкент: 2010.

3. ЎзМА, Р-2483 фонд, 2- рўйхат, 959-йиғма жилд, 44-варак
4. ЎзМА, Р-2483 фонд, 1- рўйхат, 2562-йиғма жилд, 47-варак
5. ЎзМА, Р-2483 фонд, 2- рўйхат, 959-йиғма жилд, 49-варак
6. ЎзМА, Р-2483 фонд, 1- рўйхат, 2562-йиғма жилд, 50-варак
7. Муаллифнинг Аҳмад Иноятов билан шахсий суҳбатидан. 10.01.2026 йил
8. ЎзМА, Р-2483 фонд, 1- рўйхат, 2562-йиғма жилд, 52-варак.